



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

“ЎЗСТАНДАРТ” АГЕНТЛИГИ

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ” УЮШМАСИ

ҚЎШМА ҚАРОРИ

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси қошида Қурилиш материаллари саноати илмий-техникавий кенгашини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси қарор қилади:

1. “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси қошида Қурилиш материаллари саноати илмий-техникавий кенгаши (кейинги ўринларда - Илмий-техникавий кенгаш) тузилсин ва унинг таркиби 1-иловага ҳамда низоми 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Илмий-техникавий кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

замонавий инновацион ишланмаларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш меъёрлари ва қоидаларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш, янги турдаги энергия тежамкор ва экологик жиҳатдан хавфсиз қурилиш материалларини тезкорлик билан амалиётга жорий этилиши ва қўлланилишини таъминлаш;

юқори қўшилган қийматли янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга қаратилган илмий-техникавий, тажриба-конструкторлик, инновацион ва стартап-лойиҳаларни кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва уларни саралаб олиш бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш;

қурилиш материаллари саноатига инновацияларни жорий қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар ва технологик жараёнларни ҳар томонлама ўрганиш;

юқори тижорат салоҳиятига эга ва рўёбга чиқаришга тайёр бўлган истиқболли стартап-лойиҳаларни танлаш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион салоҳиятидан кенг фойдаланиш орқали янги турдаги юқори самарадор қурилиш материалларини яратишга қаратилган мақсадли дастурларни шакллантириш.

3. Илмий-техникавий кенгашнинг қурилиш меъёрлари ва қоидаларини такомиллаштириш, илмий-инновацион ишланмаларни ҳамда янги турдаги энергия тежамкор ва экологик жиҳатдан хавфсиз қурилиш материалларини жорий қилишга доир таклифлари қурилиш тармоғини техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлиши белгилансин.

4. Мазкур қўшма қарорнинг 1-иловасига мувофиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга бириктирилган илмий-техникавий кенгаш раиси, кенгаш раисининг ўринбосари, аъзолари ва илмий котибига томонлар ўртасида тузиладиган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосан, инновацион ишланмалар натижалари бўйича йилига бир марта энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдоридagi моддий рағбатлантириш тўловлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тўланади.

5. Мазкур қўшма қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамизда қолдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш
вазирлиги
вазирлиги

Тошкент ш.,
2019 йил "___" _____ -сон



И.Абдурахмонов
И.Абдурахмонов

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлигининг
биринчи ўринбосари

Тошкент ш.,
2019 йил "07" 06 -сон №2



Б.Зокиров
Б.Зокиров

“Ўзстандарт” агентлиги
Бош директори

Тошкент ш.,
2019 йил "7" 06 -сон №6



Д.Саттаров
Д.Саттаров

“Ўзсаноатқурилиш материаллари”
уюшмаси раиси

Тошкент ш.,
2019 йил "7" июль -сон
№2/2



Б.Зарипов
Б.Зарипов

2019 йил “ 7 ” июнь даги
ижрочиларнинг қўшма қарорига 1 -илова

**«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси қошидаги
Илмий-техникавий кенгаш ТАРКИБИ***

Т./р.	Исми-шарифи	Лавозими	Илмий унвони	Бириктирилган корхонанинг номи
Илмий-техникавий кенгаш раиси				
1	Абдурахмонов Иброхим Юлчиевич	Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазир	б.ф.д., академик	Навоий шаҳридаги “Qizilqumsement” акциядорлик жамияти
Илмий-техникавий кенгаш раисининг ўринбосари				
2	Лавозими бўйича	“Ўзсаноатқурилиш- материаллари” уюшмасининг илм-фан ва инновациялар бўйича биринчи ўринбосари		Навоий шаҳридаги “Qizilqumsement” акциядорлик жамияти
Илмий-техникавий кенгаш аъзолари				
3	Салимов Умиджан Закирджанович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирининг ўринбосари		Навоий шаҳридаги “Qizilqumsement” акциядорлик жамияти
4	Лавозими бўйича	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг ўринбосари		Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги “Bekobodsement” акциядорлик жамияти
5	Искандаров Эркин Бўриевич	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг ўринбосари		
6	Каттаходжаев Джавлан Юлдашходжаевич	“Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари		
7	Самигов Нигматджон Абдурахимович	Тошкент архитектура қурилиш институтининг қурилиш материаллари ва кимё кафедраси профессори	т.ф.д., профессор	Тошкент вилояти Охангарон шаҳридаги “Ohangaronsemen t” акциядорлик жамияти
8	Ходжаев Саидаглам Аглоевич	Тошкент архитектура қурилиш институтининг шаҳар қурилиши ва	т.ф.д., профессор	

		хўжалиги кафедраси муdiri		
9	Атабаев Фаррух Бахтиярович	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институтининг етакчи илмий ходими	т.ф.д., катта илмий ходим	
10	Тўлаганов Абдукабил Абдунабиевич	Тошкент архитектура курулиш институтининг профессори	т.ф.д., профессор	Тошкент вилояти Охангарон шаҳридаги “Ohangaronshifer” акциядорлик жамияти
11	Кадирова Зулайха Раимовна	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институтининг лаборатория муdiri	к.ф.д., профессор	
12	Цой Владимир Михайлович	Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг бино ва саноат иншоотлари курулиш кафедраси доценти	т.ф.д., доцент	Фаргона вилояти Кувасой шаҳридаги “Kvarts” акциядорлик жамияти
13	Юсупов Фарход Махкамович	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институтининг лаборатория муdiri	т.ф.д., катта илмий ходим	
14	Сагторов Зафар Мурадович	Тошкент архитектура курулиш институтининг курулиш материаллари ва кимё кафедраси муdiri	т.ф.н., профессор	
15	Камилов Хабибилла Хамидович	Тошкент архитектура курулиш институтининг курулиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедраси профессори	т.ф.н., профессор	Фаргона вилояти Кувасой шаҳридаги “Quvasoysement” акциядорлик жамияти
16	Арсланов Ислом Кимсанович	Ўзбекистон Республикаси Иновацион ривожланиш вазирлигининг курулишни ривожлантириш бўлими бошлиғи	т.ф.н.	
17	Лавозимига кўра	Навоий шаҳридаги “Qizilqumsement” акциядорлик жамияти вакили		Навоий шаҳридаги “Qizilqumsement”

				акциядорлик жамияти
18	Лавозимига кўра	Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги “Bekobodsement” акциядорлик жамияти вакили		Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги “Bekobodsement” акциядорлик жамияти
19	Лавозимига кўра	Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги “Quvasoysement” акциядорлик жамияти вакили		Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги “Quvasoysement” акциядорлик жамияти
20	Лавозимига кўра	Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги “Kvarts” акциядорлик жамияти вакили		Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги “Ohangaronsemen t” акциядорлик жамияти
21	Лавозимига кўра	Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги “Ohangaronsement” акциядорлик жамияти вакили		Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги “Ohangaronsemen t” акциядорлик жамияти
22	Лавозимига кўра	Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги “Ohangaronshifer” акциядорлик жамияти вакили		Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги “Ohangaronshifer” акциядорлик жамияти
Илмий-техникавий кенгаш илмий котиби				
23	Раззоқов Саидахмат Зайнутдинович	“Ўзқурилишматериал- ЛИТИ” МЧЖ илмий- тадқиқот ва инжиниринг маркази директори		Навоий шаҳридаги “Qizilqumsement” акциядорлик жамияти

**Изоҳ: Кенгаш таркибига жорий устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Кенгаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ малакали соҳавий мутахассислар жалб этилиши мумкин.*

**“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси қошида Қурилиш
материаллари саноати илмий-техникавий кенгаши тўғрисида**

Н И З О М

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сон “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграция қилиш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, қурилиш материаллари саноати соҳасида инновацион ривожланиш тараққиётининг устувор йўналишлари, соҳа ва тармоқ масалаларини ўрганиш, муҳокама қилиш ва илмий-техник тадқиқотлари, уларнинг натижаларини ўрганишга қурилиш материаллари саноати масалалари бўйича Илмий-техник кенгашнинг (кейинги ўринларда «Кенгаш» деб аталади) фаолиятини, иш юритиш тартиб-қоидаларини, уларнинг масъулияти ва жавобгарлиги тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Илмий-техник кенгаш – қурилиш материаллари саноати йўналиши бўйича уюшманинг илмий-техник сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қўмаклашадиган, давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажариладиган илмий-техник лойиҳаларни баҳолаш, экспертиза қилиш ва мониторингдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга оширадиган, соҳанинг етакчи олимлари ва мутахассисларидан иборат жамоатчилик асосида фаолият юритадиган илмий-техник жамоа. Илмий-техник кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири, “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори ҳамда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси раисининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Эксперт гуруҳлари – қурилиш материаллари саноати бўйича тақдим этилган илмий-техник лойиҳаларни, илмий-техник ва инновацион фаолият билан боғлиқ ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун олим ва мутахассислардан таркиб топган илмий-техник гуруҳ. Эксперт гуруҳлари таркиби Кенгаш томонидан шакллантирилади.

Илмий-техник кенгаш хулосаси – республикада қурилиш материаллари саноатининг илмий-техникавий ва инновацион ривожланиши бўйича давлат сиёсати, инновацион ривожланишнинг асосий йўналишлари мақсад ва талабларига, республика ва дунё илм-фани, ишлаб чиқариш тармок ва соҳалари ютуқлари таҳлилларига асосланган, давлат ва жамият манфаатларини кўзда тутувчи мезонлар асосида белгиланган тартибда ўтказилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновацион лойиҳалар ҳужжатлар тўпламининг экспертиза натижалари асосида ишлаб чиқилган ҳужжат.

Илмий-техник кенгаш котибияти – Илмий-техник кенгаш мажлисида улар фаолияти билан боғлиқ белгиланган кун тартиби бўйича тегишли таҳлилий материалларни тайёрлаб берадиган, улар томонидан кўриб чиқилиб, муҳокама этилгандан сўнг барча масалалар бўйича қабул қилинган қарорларни расмийлаштириб, тегишли тузилмаларга етказувчи ва амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи орган.

II. Кенгашнинг вазифалари

3. Кенгаш ўз фаолиятида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- замонавий инновацион ишланмаларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш меъёрлари ва қоидаларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш, янги турдаги энергия тежамкор ва экологик жиҳатдан хавфсиз қурилиш материалларининг тезкорлик билан амалиётга жорий этилиши ва қўлланилишини таъминлаш;

- юқори қўшилган қийматли янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга қаратилган илмий-техникавий, тажриба-конструкторлик, инновацион ва стартап-лойиҳаларни кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва уларни саралаб олиш бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш;

- қурилиш материаллари саноатига инновацияларни жорий қилиш бўйича илгор хорижий тажрибалар ва технологик жараёнларни ҳар томонлама ўрганиш;

- юқори тижорат салоҳиятига эга ва рўёбга чиқаришга тайёр бўлган истикболли стартап-лойиҳаларни танлаш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион салоҳиятидан кенг фойдаланиш орқали янги турдаги юқори самарадор қурилиш материалларини яратишга қаратилган мақсадли дастурларни шакллантириш.

4. Илмий-техник кенгаш функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур Низом асосида белгиланади.

5. Илмий-техник лойиҳаларнинг ҳужжатлари Илмий-техник кенгаш томонидан белгиланган тартибда экспертиза қилинади ва уларнинг ижобий хулосасидан кейин уюшма Бошқарувига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида Илмий-техник кенгаш томонидан берилган мониторинг ва ҳисобот натижалари асосидаги хулоса лойиҳанинг давом эттирилиши, тўхтатилиши ёки қайта йўналтирилишига асос бўлади.

II. Илмий-техник кенгаш фаолиятини ташкил этиш ва таркиби

6. Инновацион ривожланиш вазири лавозими бўйича Илмий-техник кенгаш раиси ҳисобланади.

7. Илмий-техник кенгаш таркиби раис, раис ўринбосари, аъзолар ва илмий котибдан ташкил топади. Аъзолар ўз хоҳишларига кўра кенгаш ва эксперт гуруҳлари таркибидан чиқишлари мумкин. Бу жараён кўшма қарор асосида амалга оширилади. Кенгаш таркибига жорий устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, малакали соҳавий мутахассислар жалб этилиши мумкин. Илмий-техник кенгаш аъзолари Илмий-техник кенгаш қарорига кўра ротация ва таркибни янгилаш орқали алмаштириб борилади. Илмий-техник кенгаш аъзолари кенгаш мажлисларида мунтазам иштирок этмаган тақдирда огоҳлантиришсиз аъзоликдан чиқарилади.

8. Илмий-техник кенгаш мажлислари кворум мавжуд бўлганда, яъни Илмий-техник кенгаш аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган ҳолда ўтказилиши шарт. Шаффофлик ва холисликни таъминлаш мақсадида мажлис жараёнида аудио ва видео ёзуви олиб борилиши мумкин. Илмий-техник кенгаш томонидан ўтказилган мажлислар баённомаси, аудио ва видео ёзувлари уюшмада сақланади.

9. Фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар, тематик ва ёш олимлар тадқиқотлари танловига тақдим этилган илмий-техник лойиҳаларнинг экспертизаси Илмий-техник кенгаш мажлисида очик муҳокамада кўриб чиқилади.

IV. Илмий-техник кенгаш аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Илмий-техник кенгаш аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзлари аъзо бўлган Илмий-техник кенгаш мажлисларида иштирок этиш;
мониторинг жараёнида лойиҳа раҳбарларининг илмий-техник лойиҳаларнинг бажарилиш ҳолати ҳақидаги ахборотларини тинглаш ва муҳокама қилиш;

ўзлари аъзо бўлган ва иштирок этган Илмий-техник кенгаш мажлислари баённомалари билан танишиш;

зарурат туғилган ҳолларда мониторинг ёки тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш жараёнига тегишли фан йўналишидаги олим ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича уюшмага таклифлар киритиш;

соҳалараро инновацион илмий-техник дастурларни шакллантириш бўйича хулосалар бериш.

11. Илмий-техник кенгаш аъзолари кенгаш раиси (унинг ўринбосари) томонидан берилган топшириқ ва кўрсатмаларни бажаришлари, ўзларига хулоса бериш учун тақдим этилган лойиҳалар юзасидан кўрсатилган муддат ва белгиланган тартибда ҳолис хулоса беришлари шарт.

12. Илмий-техник кенгаш аъзолари зиммаларига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни талаб даражасида бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

13. Илмий-техник кенгаш аъзолари таркиби, лойиҳалар мазмуни, ҳисоботлар ва мажлислар баённомалари, ўтказилган экспертизалар ва уларнинг натижалари, лойиҳалар йўналишлари, эксперт хулосалари, лойиҳаларни молиялаштириш манбалари ва миқдори ҳақида кенгашга тааллуқли бўлмаган шахсларга маълумот беришга ҳақли эмас.

V. Яқуний қондалар

14. Мазкур Низом талабларининг бажарилишини назорат қилиш Кенгаш раиси ва илмий котиби зиммасига юклатилади.

15. Илмий-техник кенгаш аъзолари ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида коррупция ҳолатларига йўл қўйганларида амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибга жиноий жавобгарликка тортиладилар.